



*Муқим ҚОДИР*



# УМРИМ МЕНИНГ

Шеърлар



«Ҳаёт» нашриёти  
Андижон - 2005 йил



Муқим Қодир вилоятимизда яшаб бадиий ижод билан шуғулланаётган иқтидорли шoirлардан бири. Унинг «Энг яхши совға», «Торт полвон», «Довюрақлар», «Соғинч гуллари», «Дурдона юртим», «Оймомо ва Гулчирой» шеърый китоблари, достонлари, қисса ва драматик асарлари чоп этилган.

Муқим Қодирнинг бир неча китоблари, «Тубсиз жар» драмаси республиканинг нуфузли танловлари волиби бўлган. Унинг ушбу янги китобига кейинги йилларда ёзилган шеърлари жамланди.

1031784  
00  
21

10-12-05  
ХҒ-ҚМ - \_\_\_\_\_ ША  
23-11-05

Муқим Қодир. "Умрим менинг". (Шеърлар).

© "Ҳаёт" - А. 2005.

66  
452  
Ю



## УЛҒАЙИШ ЙЎЛИДА

*Муқим Қодир иқтидорли ижодкор. Унинг номи китобхонлар ўртасида танилган. У катталар ҳамда болалар учун асарлар ёзади. Қатор нашр этилган китоблари республиканинг нуфузли танловлари волиби бўлган.*

*У назмда, насрда, драматургияда ижод қилади, бадиий таржима билан ҳам шуғулланади.*

*Муқим Қодир эллик ёшини нишонлаш арафасида янги бир тўплам тайёрлабди. Тўплам қўлёзмасини ўқиб, хурсанд бўлганимни яширмайман. Шоирнинг бу янги китоби шеърят ихлосмандларини мамнун қилади, шубҳасиз.*

*Ушбу китобга киритилган шеърлар улғайиш йўлида тинимсиз тер тўкаётган ажойиб шоирнинг азиз ўқувчиларга самимий дил туҳфасидир.*

**Тўлан НИЗОМ,  
Ўзбекистон халқ шоири.**



## ВАТАННИ КУЙЛА

Фунча латофатин булбул куйласин,  
Тоғлар салобатин шамол сўйласин,  
Ёр васлин энтикиб, ошиқ ўйласин.  
Шоир, сўйлар бўлсанг, Ватандан сўйла,  
Ҳофиз, куйлар бўлсанг, Ватанни куйла.

Хайратланиб кезгин гул боғларини,  
Ардоқла қир, дала, ўтлоқларини,  
Бобурдек кўзга сурт тупроқларини.  
Шоир, сўйлар бўлсанг, Ватандан сўйла,  
Ҳофиз, куйлар бўлсанг, Ватанни куйла .

Фанимлар йўлига қалқон бўл ўзинг,  
Оқла фарзанд бўлиб оқ сутин, тузин,  
Юрт ҳуснига боқиб тўймасин кўзинг.  
Шоир, сўйлар бўлсанг, Ватандан сўйла,  
Ҳофиз, куйлар бўлсанг, Ватанни куйла.

Онангдай муънисинг, суюгинг Ватан,  
Отангдай донишманд, буюгинг Ватан,  
Шаънинг, ориятинг, бор-йўғинг Ватан.  
Шоир, сўйлар бўлсанг, Ватандан сўйла,  
Ҳофиз, куйлар бўлсанг, Ватанни куйла.

Ардоқли бешигинг, мазоринг шу юрт,  
Содиқ дўст, вафодор дилдоринг шу юрт,  
Сайратсин бир умр дил торинг шу юрт.  
Шоир, сўйлар бўлсанг, Ватандан сўйла,  
Ҳофиз, куйлар бўлсанг, Ватанни куйла.



## ЎЗБЕКИСТОНИМ

Ўзбекистон, суюк Онажон!  
Бошим силаб ўстирган диёр.  
Бир шеър айтгим келди шаънингга,  
Қалбда жўшиб илҳом, ифтихор.

Боболардан мерос Ватансан,  
Ўтмишинг бор фараҳли, ғолиб.  
Сен маърифат офтобисан,  
Зиёга дўст, илмга толиб.

Буюкларнинг азиз бешиги,  
Алпомишнинг жаннат диёри.  
Широқ жондан ортиқ кўрган юрт,  
Тўмариснинг номуси, ори.

Жалопиддин жасур ўғлоннинг,  
Темур Малик ёвқур болангдир.  
Мир Алишер доврўфинг, шаънинг,  
Мирзо Бобур ўтли нолангдир.

Бошимизда доим парвона  
Аждодларнинг покиза руҳи.  
Маёқ бўлиб, камолга чорлар  
Фарғонанинг ўлмас шукуҳи.

Қалбда жўшар илҳом, ғурурим,  
Аждодлардан сўз очсам агар.  
Улуғбекнинг илм нарвони  
Бўй кўрсатди коинот қадар.



Мен ўзбекман.  
Менинг кимлигим  
Тарих билар, дунё билади.  
Миллатимни буюклар руҳи  
Азиз қилди, суюб қўллади.

Олам биздан илм ўрганди,  
Довруғимиз Руму, Чин қадар.  
Минг жилидлик китоб бўларди,  
Тарихимиз битилса агар.

Сўз очайми Қубро, Синодан,  
Яссавийдан ўқийми ҳикмат.  
Машраб, Мунис, Моҳларойимсиз  
Жарангларми туркий шеърият.

\*\*\*

Тўриқ Қашқа елади,  
Мадаминбек келади.  
У халқининг алданиб  
Қолганини билади.

Қизил аскар қўлида  
Ол байроқ ҳилпирайди.  
Фрунзенинг кўзлари,  
Қиличи қонсирайди.

Қизил байроқ қон эмиб,  
Ранги қизил бўлган, эҳ.  
Инқилобга ишониб,  
Қанча мардлар ўлган, эҳ.

Москов томон ошиқар  
Олтин ортган эшелон.



Бойлигидан ажралиб,  
Қолар Бухоро нолон.

Дардли ўкинч, ўтли оҳ  
Мард ўғлонлар ноласи.  
«Фуруринг қайда қолди  
Турон элин боласи?!»

Жоним менинг Қодирий,  
Шоним менинг Қодирий.  
Зобит ўқидан томган  
Қоним менинг Қодирий.

Топталди шон-шавкатим,  
Битмас дардим, ҳасратим.  
Айбсиз айбдор бўлди  
Абдурауф Фитратим.

Усмон, сени ким сотди?  
Чўлпон, сени ким отди?  
Турон элин осмонин  
Тўртта қуёшиботди.

\*\*\*

Беланчақда болажон,  
Рангпар, ориқ, чалажон.  
Қонсиз, этсиз яноғи,  
Нурсиз, сўник қароғи.  
Еган мева, тутлари заҳар,  
Онасининг сутлари заҳар.

Эътиқодим, гурурим сўниб,  
Гумроҳ бўлиб келдим етмиш йил.



Ўзлимимни унутган эдим,  
Андухларга тўлганди кўнгил.

Хумо қушнинг қанотларида  
Жиполаниб келди Истиқлол.  
Чиркин қуллик занжирларини-  
Парча-парча қилди Истиқлол.

Қўлимизда Эркнинг байроғи,  
Ўз Тамғамиз, Қомусимиз бор.  
Жаранглайди соф туркий қалом.  
Фуруримиз, номусимиз бор.

Жаҳонга юз тутмоқда бу кун  
Юки эзгу ғолиб қарвоним.  
Тўғри йўлни кўрсатиб борар  
Мард Юртбошим - жасур Сарбоним.

Истиқлолнинг ғаними бўлган  
«Лайча»ларнинг ғингиши бекор.  
Мақсадига етмас нопоклар,  
Ўзбекистон -даҳлсиз диёр.

Сарҳадларда посбоним сергак,  
Юрт осуда, ҳаёт фаровон.  
Яратувчи, танти элимнинг  
Ютуқларин олқишлар жаҳон.

Буюк Ватан -табаррук Каъбам-  
Келажаги порлоқ Туроним!  
Боболардан муқаддас мерос-  
Хур диёрим, Ўзбекистоним!  
2001 йил, мезон.





## УМР

Энг олий унвондир инсон деган ном,  
Умргузаронлик Оллоҳдан инъом,  
Ёшлик тонгга қиёс, кексалик-чи, шом,  
Шукур қил, азизим, танинг саломат.

Қувонч бегонадир боши ҳамларга,  
Яшашнинг завқи не кўзи намларга,  
Ноумид бўлмагил, ботма ғамларга,  
Келади, кетади беқарор омад.

Чехранг кулиб турсин, тилни асал қил.  
Содиқ дўст, ёрингни сирдош, дилдош бил.  
Шишадан ҳам нозик бўлади кўнгил.  
Манманлик тулпорин минмас сира мард.

Палаги тозанинг зурёди оқил,  
Ғафлатда ўтади бир умр ғофил,  
Мукулмон бўларми инсофсиз, жоҳил,  
Сўзинг ҳайф, нодонга қилма насиҳат.

Эл ишқида ёнгил, кеч ҳаловатдан,  
Асрагил ўзингни гуноҳ одатдан,  
Она юрт яшнагай эрк - саодатдан,  
Обод, хур ўлкада яшаш омад, бахт.

Эй дўст, айтганларим насиҳат дема,  
Умримиз уммонда қалқиган кема,  
Мунофиқ бўлсанг гар, қошимга келма,  
Каъбадай пок қалбга юқтирмагил гард.



## НАСИХАТ

Мўмин, оқил, мард, камтар бўлиб,  
Ҳақни таниб, ибодат қилиб,  
Улуғларни пир-устоз билиб,  
Хокисоргина яшамоқ керак.  
Нафс кўйига кирмай, адашмай,  
Содиқ дўст, ёр танлашда шошмай,  
Яхши билан сира ёвлашмай,  
Хокисоргина яшамоқ керак.  
Ўз қавмингдан ажралма сира,  
Эл корига даркор бўл, яра,  
Ғарибларнинг ҳолини сўра,  
Хокисоргина яшамоқ керак.  
Англаб етгин ҳадислар сирин,  
Товба ювар қалбингнинг кирин,  
Уйқунг бўлсин осуда, ширин.  
Хокисоргина яшамоқ керак.  
Бойлик вафо қилмас дунёда,  
Жавоҳирдан дуо зиёда,  
Ибрат бўлиб поклик, ҳаёда,  
Хокисоргина яшамоқ керак.  
Қалбинг юртнинг ишқида ёнсин,  
Борлигинга элинг қувонсин,  
Гул ҳаётинг завққа чулғансин,  
Хокисоргина яшамоқ керак.  
Кетар чоғинг жуфт қанот қолсин,  
Эзгу ишинг умрбод қолсин,  
Номинг мангу барҳаёт қолсин.  
Хокисоргина яшамоқ керак.



## ШАЙДОЛИК

Сен латофат шоҳисан,  
Мен ҳуснингга шайдоман.  
Ишқни чорлаган садо -  
Тинмас маҳзун навоман.  
Нигоҳинг лашкарлари  
Бузди кўнгил кўрғоним.  
Жисму жоним ёндирдинг  
Оташ моҳи тобоним.  
Оразинг оҳанрабо,  
Узолмайман кўзимни.  
Тавоф этиб изларинг,  
Ўпай, босиб юзимни.  
Ўтсанг, кўча тўлғонар,  
Мендай ширин энтикиб.  
Тошлар қумдай тўкилар,  
Умид билан кўз тикиб.  
Гулзор кезсанг, гунчалар -  
Ҳавас билан қарайди.  
Шудринг ювган сочингни  
Еллар ўпиб, тарайди.  
Сени сулув яратиб,  
Табиатнинг ўзи лол.  
Ҳуснингга боқиб кўкда,  
Ўртанар тунлар ҳилол.  
Сўзларинг болми, шаккар,  
Кулгулари шалолам.  
Оқ қоғозга шеър бўлиб,  
Қуйилар дилдан нолам.  
Кокилларинг дор этиб,  
Осгин мени, фариштам.  
Ўлсам-да, узилмагай -  
Сенга пайванд жон риштам.



\*\*\*

Эҳ қайданам нигоҳим тушди  
Сулув қизнинг яноқларига.  
Ишқим киприк мисол қадалди  
Унинг бодом қабоқларига.  
Шаршарадай тошқин сочлари  
Бўса берар товонларига.  
Бир тош каби чўкиб кетдим қиз-  
Кўзин тубсиз уммонларига.

\*\*\*

Оқшом базмин бошлар чигиртка,  
Машшоқ куйи янграйди маҳзун.  
Полизда тўлғонар қовунлар.  
Атроф ойдин, илиқ тун узун.

Субҳ шамоли эсганда ғир-ғир,  
Нолали куй авжига етди.  
Қовунларнинг юраги тошиб,  
Кўкси тарс-тарс ёрилиб кетди.

## ҚОҒОЗБОЗГА

Агар сенда бўлса  
Заррача инсоф,  
Энди кўй, кўлингга  
Олмагин қалам.  
Бебаҳо қоғозни  
Қилма кўп исроф.  
Отанг ўрмон экиб -  
Кўйган бўлса ҳам.



## ХАЛҚ ҲОФИЗИ

*Шерали Жўраевга*

1

Қорлар эрир бермай дош,  
Қизғалдоғлар эгар бош.  
Тинглар шаббода бесас,  
Булбулда ортар ҳавас.  
Сохр, мунг бор навода,  
Қўшиқ учар ҳавода.  
Куйлар ёниб Шерали,  
Овоз бунча ширали.

Навоий байти янгроқ,  
Бобур чеккан оҳ, фироқ.  
Фурқатнинг зори, доди,  
Ошиқ Қайснинг фарёди  
Тутар еру фалакни,  
Сел қилади юракни.  
Куйлар ошиқ Шерали,  
Овоз бунча ширали.

Қумга чўкади карвон,  
Ширин энтикар сарбон.  
Ишқ фарёди самода-  
Довул бошлар саҳрода.  
Нолага қилмай бардош,  
Оромижон тўкар ёш.  
Бу унинг Шералиси,  
Овози ширалиси.

Ер айланар хотиржам,  
Улкан қулоқдир олам.  
Фаҳрлан, мулки Турон,



Қайда бор бундай ўғлон.  
Қўшиғи элнинг сўзи,  
Куйлайди халқ ҳофизи.  
Ўзбекнинг Шералиси,  
Овози ширалиси.

## 2

Субҳидамда қўшиқ таралар,  
Дунё гўё қайта яралар.  
Элни сархуш этган хуш наво  
Насим бўлиб қўкка ўралар.  
Тингланг, туғма, чин ҳофиз куйлар,  
Дилда борин қўшиқда сўйлар.  
Элимга шаън, гурур Шерали.  
Юртнинг фахри эрур Шерали.

Аждодларим тан олган дунё,  
Туркийларга лол қолган дунё.  
Сино, Темур, мир Алишерга -  
Қондош, жондош эл бўлган дунё.  
Буюкларим шавкатим, шаъним,  
Кўхна Турон азиз Ватаним.  
Мозийларга бўйлар Шерали,  
Юрт ўтмишин куйлар Шерали.

Азон садосидай сеҳрли бу сас,  
Қуръон тиловати -покиза нафас.  
Юракдан куйламоқ мундоқ бўлибди,  
Мужмал қўшиқлардан зада бўлдик, бас.  
Элимнинг саҳнаси муқаддас, билинг,  
Санъаткор номига муносиб бўлинг.  
Санъат -боғу бўстон, боғбон Шерали.



Покиза ҳис-туйғу муҳаббат,  
Қалбга илҳом солади абад.  
Ишқ куйчиси бўлмас ҳеч ким,  
Вужудини ўртамаса дард.  
Ишқсизларга ярашмас куйлаш,  
Гул қошида зағчадек сайраш.  
Муҳаббати буюк Шерали,  
Юртда азиз, суюк Шерали.

\*\*\*

Кўз-кўз қилди Олма ўзини,  
Қизармасдан ҳали яноғи,  
Узиб олди кўзлари ўйнаб,  
Йигитлардан бири - шўхроғи.  
Битта тишлаб Олма юзидан,  
Тиш қамашди, жунжикди эти.  
Хазон қилиб шўрлик мевани,  
Ора йўлга ташлади, кетди.

\*\*\*

Хамиша эркалаб, суяман,  
Сочларин ҳидлайман энтикиб.  
Дунёни унутиб кўяман,  
Шаҳло кўзларига кўз тикиб.  
Бағримга босиб мен хаёлни,  
Қўмсам, ёр, сени - висолни.



## ВАТАН ЎҒЛОНЛАРИ

*Андижон воқеалари кунлари ҳалок  
бўлган осойишталик посбонлари  
хотирасига.*

Фаним ҳужум қилса сокин кўрғонга,  
Оғир синов бўлар ботир ўғлонга.  
Ўт ичра қолганда она Андижон,  
Элим, деб офатга бўлдингиз қалқон.  
Музаффар, Набижон, Нодирбек, иллоҳ,  
Раҳмат нурларини ёғдирсин Оллоҳ.

Ўз қавмига қарши кўтариб яроғ,  
Эл тинчини бузди бир тўда гумроҳ.  
Топталмасин дея муқаддас тупроқ,  
Ёв йўлида тўсиқ бўлдингиз шу чоқ.  
Анваржон, Қодиржон, Машъалбек, иллоҳ,  
Жойингизни жаннат айласин Оллоҳ.

Жоҳилнинг дини йўқ, диндан сўз очар,  
Заминга разолат уруғин сочар.  
Аёллар ортига пусиб, панадан -  
Ажал қуролидан пинҳон ўт очар.  
Ҳалимжон, Илҳомжон, Шухратбек, иллоҳ,  
Қабрингиз зиёга тўлдирсин Оллоҳ.

Алпқомат эдингиз Алпомиш мисол,  
Бурчингизга содиқ, камтар, пок, ҳалол.  
Ажалга тик боққан довюрақ шерлар,  
Санжарбек, Зоҳиджон, мард Алишерлар.  
Фанимга гўр бўлгай ўзи қазган чоқ,  
Сизга мағфиратлар ёғдирсин Оллоҳ.





Қабих кимсаларнинг нияти чирик,  
Жасорат ўлмагай, мангуга тирик.  
Номингиз унутмас ҳур Ўзбекистон,  
Мардлар буюк элга муносиб ўғлон.  
Давронбек, Улуғбек, Мансуржон, иллоҳ,  
Беҳиштда сийласин сизларни Оллоҳ.

Жаннатмакон диёр осуда бу дам,  
Истиқлол йўлидан одимлар илдам.  
Ўрнингиз билинар давралар аро,  
Сизлардан айрилиб, қалбимиз яро.  
Ҳолмуҳаммад, Ихтиёр, алҳамдулиллоҳ,  
Охиратингиз обод айласин Оллоҳ.

Авлодлар номингиз ёд этур албат,  
Жасорат тимсоли бўлурсиз абад.  
Ватан посбонлари, эрк қалқонлари,  
Ўзбекнинг довюрак, алп ўғлонлари.  
Муҳаммадносир, Маъруфжон, иллоҳ,  
Руҳингиз шод қилсин меҳрибон Оллоҳ.  
Жавзо, 2005 йил.





## ШУКРОНА

Қалби пок, вафодор дилдош истадим,  
Оқил дўст, гурурли сирдош истадим.  
Хуснда тенги йўқ йўлдош истадим,  
Мен кимни истадим, дилимдан топдим.

Ҳақни паноҳ билдим, номарддан қочдим,  
Дил зада бўлганда, булбулга очдим.  
Қалбимга маърифат зиёсин сочдим,  
Қадрим, ҳурматимни билимдан топдим.

Элимга эш бўлдим, жон элим суйдим,  
Эл кулса, шодландим, эл куйса, куйдим.  
Ҳар паҳза она юрт меҳрини туйдим,  
Обрў-эътиборни элимдан топдим.

Фанимни паст билдим, дўстни йўқладим,  
Устозлар шаънини ордек сақладим.  
Тотинган тузимни сутдек оқладим,  
Қадримни ўзгармас феълимдан топдим.

Назм боғин кезиб, ниятга етдим,  
Қалбим тугёнларин шеър қилиб битдим.  
Сирдош қаламимни покиза тутдим,  
Олам завқин она тилимдан топдим.

Йўлдаги карвонман, манзилга шошган,  
Қалб пок туйғулардан уммондек жўшган.  
Каъбадай азизсан, эй она маскан,  
Жаннат юрт, васлинг ўнг, сўлимдан топдим.

\*\*\*

Шаҳарликнинг тор ҳовлисида  
Бир туп олма ўсарди ёлғиз.  
Бу йил илк бор қийғос гуллаб, у -  
Мева тугди беҳисоб, қирмиз.



Тақдирдан шод эди дарахт,  
Суқланарди унга кўз тиккан.  
Уй соҳиби унинг шохига  
Боғлаб кўйди бир туп кўзтикан.  
Қуёш нурын эмиб олмалар  
Тўлишдилар отилиб таранг.  
Букилишиб ингичка шохлар,  
Тутиб турар уларни аранг.  
Тонг чоғида уйғониб соҳиб  
Бевақт дарахт тинчини бузди.  
Ноласига қулоқ солмасдан,  
Меваларин авайлаб узди.  
Яшиқларга терди битталаб,  
Даромадни чамалаб шодон.  
Сўнгра шахсий «Жигули»сида  
Жўнаб кетди бозорга томон.  
«Болалари» бағридан кетгач,  
Шўрлик дарахт қолди мунғайиб,  
Япроқлари аччиқ кўз ёшдай  
Дув-дув ерга тушди сарғайиб.  
Шу дарахтни сизга ўхшатгум,  
Қилмасангиз менга таъналар.  
Қизларини олис юртларга  
Келин қилиб берган оналар.  
У ҳам сиздай яшайди интиқ,  
Дийдор ўйи вужудин ёқиб.  
Ва ишонар, навбаҳор келар,  
Келинчақдай нозланиб, балқиб.  
Соғинч гулин бағрига босиб,  
Қувончидан яшнар у бу пайт.  
Ажаб, юртга баҳор келишин  
Кутмас ҳатто дарахтлар лоқайд.



## НАВРЎЗ МАДҲИ

Шўх шаббода таратар ялпиз исин ҳавога,  
Турналарнинг кўшиғи ларза солар самога,  
Юртимнинг ҳар гўшаси тўлар кўшиқ, навога,  
Нозланиб, баҳор келиб, гулга бурканди диёр,  
Чаманзорларни кезиб, шодон куйлайлик алёр.

Онамдай суюк элим, заминда яғонасан,  
Буюк Темур, Навоий, шоҳ Бобурга онасан,  
Чучмомога лаб босиб, омонлик деб, ёнасан,  
Нозланиб, баҳор келиб, гулга бурканди диёр,  
Чаманзорларни кезиб, шодон куйлайлик алёр.

Тангрининг бизга қутлуғ иноятидир Наврўз,  
Саҳий элимнинг гўзал урф-одатидир Наврўз,  
Бўлиқ тупроққа деҳқон муҳаббатидир Наврўз,  
Нозланиб, баҳор келиб, гулга бурканди диёр,  
Чаманзорларни кезиб, шодон куйлайлик алёр.

Халқимнинг саҳовати дoston эллар тилида,  
Оқибатни имондай ардоқлар у дилида,  
Меҳрга ташна ўтмас ҳеч зот ўзбек элида,  
Нозланиб, баҳор келиб, гулга бурканди диёр,  
Чаманзорларни кезиб, шодон куйлайлик алёр.

Хуррият гули бўлиб Наврўз қайтди элимга,  
Истиқлолим эрк берди диним, тилим, дилимга,  
Табаррук Қуръонимни ўпдим олиб кўлимга...  
Нозланиб, баҳор келиб, гулга бурканди диёр,  
Чаманзорларни кезиб, шодон куйлайлик алёр.



Карнай, сурнай навоси элни сайлга чорлар,  
Юрт хуснига суқланиб кўкда Офтоб порлар,  
Наврўз билан қутлашар бир-бирин дўсту ёрлар.  
Нозланиб, баҳор келиб, гулга бурканди диёр,  
Чаманзорларни кезиб, шодон куйлайлик алёр.

Тўкин дастурхонларга тортилади сумалак,  
Ўзбакий байрам қилар бугун замину фалак,  
Иқболинг мангу бўлсин, халқим, дилда шу тилак.  
Нозланиб, баҳор келиб, гулга бурканди диёр,  
Чаманзорларни кезиб, шодон куйлайлик алёр.

Каъбатуллодай азиз, шоним, имоним Ватан,  
Танти Ҳотамлар эли, кўҳна Туроним Ватан,  
Наврўз сенда ёшарди Ўзбекистоним - Ватан...  
Нозланиб, баҳор келиб, гулга бурканди диёр,  
Чаманзорларни кезиб, шодон куйлайлик гулёр.

\*\*\*

Баҳор манзарасини яратмоқ бўлиб,  
Қоғозга рангларни чаплади узоқ.  
Чиқара олмагач, хўрлиги келиб,  
Дарчадан ҳовлига ташлади нигоҳ.  
Яланғоч дарахтлар дилдирар боғда,  
Қиш эртагин сўзлар қарғалар: «қор-қор».  
Поёни қирларга туташ сўқмоқдан  
Бўй таратиб сархуш, ошиқмас баҳор.  
Сураткаш жунжикиб, хаёлга толар.  
Изғирин ойнага нақшлар солар.



\*\*\*

Ҳамон кўз ўнгимда:  
Бепоён дала.  
Илк бўса гувоҳи -  
Кекса, букри тут.  
Бизга иқбол тилаб,  
Ишқ билан қутлаб,  
Севинчдан кўзига  
Ёш олган булут.

Ҳамон сархуш айлар:  
Сирли оқшомда  
Ширин энтиктирган  
Муҳаббат саси.  
Ёмғир ювиб,  
Майин еллар тараган  
Тун каби сим-сиёҳ  
Сочларинг иси.





## ОҚ ГУЛИМ

Сен ҳусн бўстонида  
Лаб очган Оқ гулимсан.  
Ёлғиз менга аталган  
Навниҳол, пок гулимсан.

Нафиссан, муаттарсан,  
Боқсам, кўзим қамашар.  
Солланасан, нозланиб,  
Сенга минг ноз ярашар.

Гулзор сен билан файзли,  
Сен-ла мафтункор борлиқ.  
Сен борсан, яшаш завқли,  
Эй ишқ каби оҳорли.

Шаббодада тебранган  
Оқ юзли малак кабим.  
Нигоҳим-ла эркалай,  
Шу - пинҳон юрак галим.

Ишқ ханжари - кипригинг  
Кўксимга санч, ўргулай.  
Ҳуснингга хумор боқиб,  
Пойингда хушнуд ўлай.



## БАРҲАЁТЛИК

*Абдуфаттоҳ Солиев хотирасига*

Ўқитувчи эди асли Абдуфаттоҳ,  
Ерга ишқи тушиб қолди бир куни.  
Далага йўл олди елкада кетмон,  
Бийдай чўл харсиллаб қарши олди уни.

Арслон келбатли, чайир билакли,  
Меҳнатдан қочмади, роҳатдан қочди.  
Қум сурди ҳайқириб, ўй сурмади кўп,  
Барханлар остидан ер очди.

Меҳнат қилаверди аямай ўзни,  
Фарзандидай суйди ҳар туп ғўзани.  
Қуёш оташ олов пуркар бошидан,  
Кўмирдай куярди юраги, тани.

Қаҳрамон нишонин бердилар бир тонг,  
Меҳнатига яраша унвон, баҳо.  
Қўй сўйиб, элга ош берди, кўп ўтмай,  
Қувончин хиёнат тўзғитди аммо.

Тухмат-ла сотдилар Абдуфаттоҳни  
Лайча мисол товонин ялаганлар.  
Қутурган ит каби хуруж этдилар  
Қумурсқадек ширасин талаганлар.

Панжара ортидан омон қайтди у,  
Гина не, билмасдан, «дўстларин» кучди.  
Фанимлари ҳайрон.  
Ахир уларга  
Астойдил бахт тилаб, қадаҳлар ичди.





Тонг даласига йўл солди шодон.  
Ниҳоллар энтиқди деҳқонга боқиб.  
Сўқмоқлар пойига поёндоз солди,  
Шамол қаршилади ўланлар ўқиб.

Ногоҳ юрагига бир тиф қадалди,  
Ҳайҳот, хуруж қилди дўст хиёлати.  
Фарзандлар қўлида жон берди оқшом,  
Томчидай пок қолди, ор диёлати...

...Тонгда эсга олдим асл деҳқонни,  
Суратига боқиб уқдим бир маъно:  
Ҳар ким яшаб ўтар экан дунёдан.  
Яшаб қолар экан яхшилар аммо.





## ТАВБА

Бисмиллоҳир раҳмонир роҳим.  
Паноҳ - ёлғиз ўзинг, Оллоҳим.  
Тавба қилдим, кечир гуноҳим.  
Иҳдинас сиротал мустақим.

Бир мен эмас, гуноҳкор сонсиз.  
Тавба қилар юлғуч, имонсиз.  
Миллатини сотган виждонсиз,  
Иҳдинас сиротал мустақим.

Марксистлар художўй, чала,  
Бугун бошда бир қулоч салла.  
Эгилади саждага калла,  
Иҳдинас сиротал мустақим.

Амал қули бесавод, думбул,  
Унга бойлик - тангри, имон - пул.  
Каламушдай яшамоқда ул,  
Иҳдинас сиротал мустақим.

Шир яланғоч ҳаё, андиша,  
Пулни ўлиб, сизлар фоҳиша.  
Аёл номин булғаган ўша,  
Иҳдинас сиротал мустақим.

Ундайларда оқибат арзон.  
Барака йўқ, йўқ меҳр, имон.  
Пули борнинг мушкули осон,  
Иҳдинас сиротал мустақим.

1979 йил.



## МУҲАББАТ «ҚУРБОНИ»

Ҳазил

Йигит севар эди бир гўзал қизни,  
Тасаввур этмасди ҳаётни усиз.  
Доим мактуб битса ўша дилдорга,  
Такрорларди: «Жоним, ўламан сизсиз!»  
Эҳ, қиё боқмади шафқатсиз санам.  
Бечора ошиққа бўлди кўп қийин.  
Бардош қила олмай айрилиққа у  
Кўз юмди олтмиш йил ўтгандан кейин.





## ЖУМБОҚ

Ўшда ё Андижонда,  
Боринки, шу заминда,  
Туғилди қаҳратонда.

Йиғлолмади чинқириб,  
Кулолмади қийқириб,  
Кўзлари нурсиз боқар.

Йўқ эди сирдош дўсти,  
Ёлғиз дарахтдай ўсди,  
Дунё билан иши йўқ.

Бахт кулса, қувонмади,  
Фам қучса, тўлғонмади,  
Карахт эди вужуди.

Севилмади, севмади,  
Муҳаббат не, билмади,  
Кўксида тошми, юрак.

Рўзғор қилмай ўтди у.  
Нима топса, ютди у.  
Нафсининг қули эди.

Айтмай ҳатто бирор сўз,  
Қаро шомда юмди кўз,  
Маҳалла кўмди ночор.

Фарибгина сўппайиб,  
Қабри турар дўппайиб,  
Зиёрат қилмас биров.

Бу не тақдир?  
Не қисмат?  
Изсиз кетди, оҳ, даҳшат!  
Тангрим, бандангмиди у?



## ЯЙЛОВДА

Сайроқи кушларнинг нағмаси тинди,  
Сукунат ўтлоққа чўзилди беҳол.  
Парку булутларнинг бағридан чиқиб,  
Анҳор қучоғига беркинди ҳилол.

Аёл кенг ўринда ойдай тўлишиб,  
Аллалай бошлади гўдагин суйиб.  
Оппоқ елкаларга унсиз талпиниб,  
Шам эрий бошлади ҳасадда куйиб.

Чўпон кушандасин нишонга олгач,  
Тепкини босишга қилмади журъат.  
Бўри болаларин пинжига босиб,  
Меҳр-ла эркалаб ётарди бу пайт.

Чўпон кушандасин қолдириб омон,  
Энтикиб йўл олди чайласи томон.





## СОҲИБЧИРОЙ

Қаҳратонда гулни қўмсаб қолдингми, дил,  
Илк севгимни яна ёдга солдингми, дил.  
Маҳзун-маҳзун қўшиқ куйлаб, толдингми, дил,  
Андижоннинг осмонида йиғлайди ой;  
Олисларда бир сулув бор соҳибчирой.

Қоши камон, шаҳло кўзи чўлпон қиз у,  
Сўзлари бол, ваъдалари ёлғон қиз у,  
Кимларга ёр, бизга ширин армон қиз у,  
Андижоннинг осмонида йиғлайди ой;  
Хаёлимдан кетмас сира соҳибчирой.

Хазон босган боғни кезсам оқшом танҳо,  
Мажнунтоллар эртак сўзлар менга гоҳо,  
Ишқни эрмак билган ўша ёр-бевафо,  
Андижоннинг осмонида йиғлайди ой...  
Бугун ойдаи танҳо эмиш соҳибчирой.

Севги фасли - хазон бўлмас - баҳор ўтди,  
Пок гунчамни, звоҳ, ағёр юлиб кетди,  
Ишқни куйлаб, шоир бўлиш насиб этди,  
Андижоннинг осмонида йиғлайди ой...  
Ой эмас у, ўша - мафрур соҳибчирой.





## ЭЛЛИК ЁШЛИЛАРГА ТИЛАК

Фурсат учкур шамол, умр чакмоқдир.  
Кечаги болалар бугун улғайган.  
Оташ-олов эдик қиз бағрин ёққан,  
Босилдик, шижоат энди сусайган.

Наҳот ярим аср яшаб қўйибмиз,  
Тортиб биз турмушнинг эллик минг ғамин.  
Бутламоқ бўлибмиз дунё кемтигин,  
Бироқ бутлолмадик бир рўзғор камин.

Севги гулшанида ҳушҳол сайр этиб,  
Сездик, ишқ ғунчасин меваси аччиқ.  
Айрилиқ азоби дилни кемирди,  
Илк муҳаббат бўлди юракка санчиқ.

Тақдирдан розимиз, шукур этамиз,  
Элликдан сакраб биз, кўзлаймиз юзни.  
Умримиз абадий бўлса қанийди,  
Розимиз, минг ситам қийнаса бизни.

Ҳаёт болдан ширин, асло тўймаймиз,  
Тақдирда борини кўраверайлик.  
Рўзғор юкин толмас от каби тортиб,  
Заминда соғ-омон юраверайлик.

2004 йил.



## МАДҲ ЭТГАНМАН

*Ҳазил*

Кўпдан менга таъна қилар  
Лобар қизлар, аёллар.  
Бир-бирига ҳамоҳангдир  
Улар берган саволлар.  
Сўрашади:  
- Не сабабдан  
Бизларни мадҳ этмайсиз?  
Ҳуснимиздан илҳомланиб,  
Шеър, ғазаллар битмайсиз.  
Шоирларнинг ҳар шеърида  
Ой - биз,  
Гул - биз,  
Қуёш - биз.  
Бундай таъриф, мақтовлардан  
Тоғдай ўсар кўнглимиз.  
Сиз бўлсангиз, бизга доим  
Танбеҳ бериб юрасиз.  
Бепарво деб, бевафо деб,  
Бағримизни тиласиз.  
Билинг, бизсиз турмуш бефайз,  
Бўлмас кулгу, йўқдир бахт.  
Биз букилмас садоқатмиз,  
Биз - орзумиз,  
Биз - ҳайрат.  
Мендан сира ранжиманглар,  
Сулув қизлар, жувонлар.  
Иҳлосим кўп баланд сизга,  
Ноўриндир гумонлар.  
Роса ёниб мадҳ этганман,  
Кўп шоирлар сингари.  
Сизни яхши билмай туриб,  
Уйланмасдан илгари.





## ГУЛНОРАХОН МАРСИЯСИ

Узун-узун кокиллар ерда ётар,  
Ойдай сулув Гулнора гўрда ётар,  
Қабри зиёга тўлиб, нурга ботар,  
Бевақт сўлган чечак - синглим Гулнора,  
Дунё ёлғон чўпчак, синглим Гулнора.

Онанг бўзлар, фарзанд доғи ёмондир,  
Унсиз йиғлар отанг, қадди камондир,  
Меҳринг қўмсаб, укаларинг нолондир,  
Бевақт сўлган чечак - синглим Гулнора,  
Дунё ёлғон чўпчак, синглим Гулнора.

Тебратмадинг фарзандингнинг бешигин,  
Куйполмадинг сирли алла қўшигин,  
Ханжар билдинг ҳақимлар совуқ тиғин,  
Бевақт сўлган чечак - синглим Гулнора,  
Дунё ёлғон чўпчак, синглим Гулнора.

Болангга не ном топгандинг, сингилжон?  
Алпомишми, Бобур, Темур ё Камрон,  
Номсиз кетди боланг ҳурдай покдомон,  
Бевақт сўлган чечак - синглим Гулнора,  
Дунё ёлғон чўпчак, синглим Гулнора.

Шеър ёзардинг, эзгуликдан энтикиб,  
Бахт сўрардинг, юлдузларга кўз тикиб,  
Бегинг бўзлар, пойингга гуллар экиб,  
Бевақт сўлган чечак - синглим Гулнора,  
Дунё ёлғон чўпчак, синглим Гулнора.



Армон, сени шеърга солиш азобдир,  
Мархумларни ёдга олиш савобдир,  
Шеърим - фарёд, шеърим руҳга тавофдир,  
Фотиҳага қўл очингиз, илоҳим,  
Жойларини жаннат қилсин Оллоҳим,  
Беҳиштга йўл солган синглим Гулнора,  
Пок руҳ бўлиб қолган синглим Гулнора.

## ТҮРТЛИКЛАР

Анча барвақт келганди баҳор,  
Қиш нафаси сўнмасдан тамом.  
Сир сақлолмай бу хушхабарни,  
Гуллаб қўйди шошқалоқ бодом.

\*\*\*

Ука, ҳофиз бўлсанг, «Муножот»ни айт,  
Дилларни сел қилсин кўҳна оҳанг, байт.  
Нозу карашмалар ярашмас сенга,  
Хунук муқом қилма, ўзлигингга қайт.

\*\*\*

Тонггача сирлашдик, қонмадик бироқ,  
Бизга мафтун боқди оймомо муштоқ.  
Висол они қисқа, зумда ўтади,  
Дақиқаси йилдай чўзилар фироқ.

\*\*\*

Сени дил қўмсайди, мендамас айб,  
Йўқлаб келганимга юрибсан койиб.  
Ишқим эл тилида бўлди афсона,  
Қалбга қулоқ тутиб, ёр, сени суйиб.

\*\*\*

Гулим, жамолингга термулиб ўтдим,  
Хушбўйлигинг куйлаб, ашъорлар битдим.



Қошингдан жипмасдан кузда, аёзда,  
Сарғайган япроқдай тўкилиб кетдим.

\*\*\*

Ишқда девонаман, дея урма лоф.  
Муҳаббат - кўнгилга урган бир шароб.  
Минг бора сипқордим, қонмас чанқоғим,  
Девдай йигит эдим, айлади хароб.

\*\*\*

Қоғозга тил битса, дардим сўйларди,  
Қалам ҳофиз бўлса, ишқим куйларди.  
Менинг ошиқлигим Оймомо билар,  
Тунлари дарчамдан пинҳон бўйларди.

\*\*\*

Осудалик истаб, топганим озор,  
Лайчалар таъқиби қилди кўп безор.  
Қопсалар, ранжимас эдим улардан,  
Тинмай финшишлари айлади бемор.

\*\*\*

Бетин шамол мисол елиб ўтаман,  
Яшаш завқин куйлаб, хушҳол кетаман.  
Тириклик китобин зарварағига  
Номимни эзгулик билан битаман.

\*\*\*

Ёзманг, дея илтижо қилар  
Муҳлис шоир йўлини тўсиб.  
Ё раб, бунча шеър тўқувчи кўп,  
Афсус, йўқдир Муҳаммад Юсуф...

\*\*\*

Эй ит, йўлни тўсма, мен ўтиб кетай,  
Кўзлаган манзилга соғ-омон етай.  
...Итга ёлборди, деб кулманг, азизлар,  
Улар ҳар қадамда учраса, нетай.



## ЯРАДОР ОҲУГА

Гунча қалби ғашланган эркам,  
Хумор кўзи ёшланган эркам.  
Кўзга ғариб ташланган эркам,  
Сайёдларга бўлдингми дучор?

Жароҳатинг тоблаб қуёшга,  
Бошинг қўйиб ётибсан тошга.  
Паноҳ бўлай сендай ювошга.  
Тумшуғи қон қашқирлар бисёр.

Жоним, менинг қалбим ҳам яра.  
Бошинг силай, аҳволим сўра.  
Кипригингда сочимни тара,  
Дунё ғариб, иккимиз ночор.

Оғриқ ўтар, жароҳат битар.  
Оҳугинам, бошингни кўтар.  
Хуркак жуфтинг интизор кутар.  
Илҳақ қилма, чоп, қошига бор.

Сайёдларнинг бағри тош, билгил,  
Дуч келганда, эҳтиёт бўлгил.  
Ҳимоясиз, эй содда сингил,  
Бахтли яша, чекма ғам-озор.



## ХАЛҚ ОҶАНГЛАРИДА

Ёр, дедим, дилдор, дедим,  
Эс-хушимдан айрилиб.  
Ёр жуда мағрур экан,  
Боқмади бир қайрилиб.

\*\*\*

Ёрдан айрилган ёмон,  
Дилдордан айрилган ёмон.  
Бевафо ёрни суйиб,  
Ранг-рўйим бўлди сомон.

\*\*\*

Ёр яшар омонларда,  
Шаҳрихон томонларда.  
Йўлимизни боғлади,  
Ёмонлар - ёмонлар-да.

\*\*\*

Ҳижронда куйиб, ўлсам,  
Дилдорни суйиб, ўлсам.  
Ишқнинг ширин азоби,  
Дардига тўйиб ўлсам.

\*\*\*

Ёр зарра озор ютиб,  
Мендан гар нажот кутиб,  
Чорласа, учгум шу дам  
Тобутим вайрон этиб.



## ҒИЙБАТ ҚУРБОНИ

Бири-биридан ширин  
Тўрт фарзанди бор эди.  
Шодон қийқириқлардан  
Ховлиси бозор эди.  
Ҳаё - унинг Оллоҳи,  
Ибоси - тумор эди.  
Нега ўзини ёқди  
Эрта тул қолган Қумри?

Бардошин кемирдими  
Миш-мишчилар ғийбати.  
Охири вулқон бўлиб,  
Портладими тоқати.  
Кимдан ўч олмоқ бўлди  
Қумри, худо раҳмати.  
Ҳали кузакка етмай,  
Завол топди-ку умри.

Мурувват кўрсатмадик,  
Ҳолидан хабар олиб.  
Гуноҳқормиз, сағирлар  
Уволига биз қолиб.  
Яшаяпмиз лоқайдлик,  
Худбинлик қули бўлиб.  
Ғийбатлар лашкарига  
Олов бўлдими қалқон.

Энди кечдир афсуслар,  
Чала тахминлар бекор.  
Жуфти покин ёнида  
Қумрининг ҳам қабри бор.



Нурга тўлсин бу қабр,  
Бизлар бўлайлик хушёр.  
Изғишар фитна каслар,  
Излашиб янги қурбон.

Кеча ўзини ёқди,  
Эрта тул қолган Қумри.  
Нега ўзини ёқди  
Эрта тул қолган Қумри?!

## АҲД

*Ҳазил*

- Жонга тегди сен билан яшаш,  
Энди тамом уйдан кетаман.  
Кузғунларга ем бўлсам, бўлай,  
Тоғу тошни макон этаман!  
Майли, музлаб, қотай совақда,  
Бўрон чўпдай учирсин мени.  
Бу ҳаётдан ўлим минг афзал,  
Кўзим йўқдир кўрмоққа сени!...  
...Эр отилиб чиқди ҳовлига,  
Сўнг тез кириб, хўрсинди оғир:  
- Гапим битта,  
Кетмаган номард!  
Бир оз кутай, сал тинсин ёмғир...



## ҲОФИЗ СИРА ЎЛМАЙДИ

*Охунжон Мадалиев хотирасига*

Қарға минг йил яшар, булбулга кун йўқ,  
Инсон умри - нишон, ажал - совуқ ўқ,  
Кеча қошингдаги дилдош бугун йўқ,  
Наҳот сендан жудо бўлдик, Охунжон?

Хонишларинг юракларни сел қилар,  
Ҳофиз, сенинг кимлигингни эл билар,  
Дилбандларинг қўмсаб, бағрини тилар,  
Эслаб сени, нола қилдик, Охунжон.

Онанг бўзлар: «Қабри тўлсин зиёга»,  
Фариб жуфтинг сиғмайди кенг дунёга.  
Бардош тилаб, қўлни очдик дуога;  
Йўқотганда, қадринг билдик, Охунжон.

Мангу тирик, ўлмайди ҳофиз зоти,  
Давраларда янграйди шўх баёти,  
Эл қалбида ардоқли ёди, оти,  
Қўшиқларда яша энди, Охунжон.







## Муҳаммад Юсуф

Мотамсаро аҳли Андижон,  
Она элим бўзлайди нолон.  
Ҳар нарсадан мусибат ёмон,  
Вафот этмиш Муҳаммад Юсуф.

Тўхтагандай жилғалар тоғда,  
Сўлди чечак, гунчалар боғда,  
Нола қилар булбул фироғда,  
Булбул эди Муҳаммад Юсуф.

Эрка кийик, кўзларингда ёш,  
Тугадими дилингда бардош.  
Қизғалдоққа меҳрибон, сирдош,  
Ошиқ эди Муҳаммад Юсуф.

Юрагида Ватан сурури,  
Ҳар сатрида миллат гурури.  
Шоирларнинг сарвари, зўри,  
Куйчи эди Муҳаммад Юсуф.

Тенгсиз нафис ашъор битди у,  
Муҳаббатни куйлаб ўтди у,  
Бобур ўтган ёшда кетди у,  
Буюк эди Муҳаммад Юсуф.

У шеър каби абадий яшар,  
Шеърияти булоқдай жўшар.  
Эсланади, бор экан башар.  
Мангу тирик Муҳаммад Юсуф.



## ҚАЙТАР ДУНЁ

Хазил

Ярим тунда уйга қайтди эр,  
Димоғи чоғ, ҳорғин ҳам сарҳуш.  
Уни аста сўроққа тутар,  
Юрак ютиб, хотин бояқиш:  
-Қаерларда юрибсиз, жоним?  
Ҳар нарсадан ваҳима ёмон.  
Ҳовотирдан нақ ўлаёздим,  
Титраяпман кўрқувда ҳамон...  
Эр кўл силтаб, дўк урди: - Бас қил!  
Эркин қушман, ўзимда эрким.  
Дил истаган жойга қўнаман,  
Тергай олмас, билиб қўй, ҳеч ким!  
Шукур қилки, кайфиятим чоғ,  
Ётиб ухла, тинч қўйгин мени.  
Дилинг хуфтон қилиб қўяман,  
Тўтиқушдай сайрасанг, сени.  
...Ишга кетган аёл эртаси -  
Тун ўтса-да, қайтмади уйга.  
Мижжа қоқмай, йўл пойлайди эр,  
Хаёл ошно этди минг ўйга.  
Субҳидамда келди хотини.  
Эр тутоқиб, ўшқирди чунон:  
- Қаерларда қолдинг? Жавоб бер!  
Мени тигсиз сўйдинг-ку, нодон!  
Аёл ҳорғин жилмайиб, деди:  
- Мен ҳам қушман, тутқунман бироқ.  
Жоним, шошиб уй томон учдим,  
Сур сайёдлар озод этган чоқ.  
...Эр тил тишлар, ҳайкалдир гўё,  
Хотини дер: - Бу қайтар дунё.



## ҲАЛИМА

Сочи узун, сулув қиз  
Нозикниҳол Ҳалима.  
Ишқнинг оташ тафтини  
Солдинг ўзинг дилима.

Ҳалимажон, Ҳалима,  
Муҳаббатдан нолима.  
Ҳар лаҳзада минг такрор  
Номинг айтан тилим-а.  
Сенга шошдим, чорбоғда -  
Кезар эдинг нозланиб.  
Ёвқараш қилди отанг,  
Қувмоқчидай ҳезланиб.

Ҳалимажон, Ҳалима,  
Қайғу солдинг дилима.  
Энди дўст ҳам, фаним ҳам  
Кулар менинг ҳолима.

Қувса-да золим отанг,  
Сендан сира кечмайман.  
Менинг ишқим - офтоб,  
Ёндим, сира ўчмайман.

Ҳалимажон, Ҳалима,  
Ўртанади кўнглим-а.  
Узун ишқ кўчасига  
Қайдан тушди йўлим-а!



## МУНДАРИЖА

Т.Низом. Улғайиш йўлида.....	3
Ватанни куйла.....	4
Ўзбекистоним.....	5
Умр.....	9
Насихат.....	10
Шайдолик.....	11
Қоғозбозга.....	12
«Эҳ, қайданам...» «Оқшом...».....	12
Халқ ҳофизи.....	13
Ватан ўғлонлари.....	16
Шукрона.....	18
«Шаҳарликнинг тор ҳовлисида...».....	18
Наврўз мадҳи.....	20
«Баҳор манзарасин...».....	21
Муножот.....	22
«Ҳамон кўз ўнгимда...».....	24
Оқ гулим.....	25
Барҳаётлик.....	26
Тавба.....	28
Муҳаббат «қурбони».....	29
Жумбоқ.....	30
Яйловда.....	31
Соҳибчирой.....	32
Эллик ёшлиларга тилак.....	33
Мадҳ этганман.....	34
Гулнорахон марсияси.....	35
Тўртликлар.....	36



Ярадор оҳуга.....	38
Халқ оҳангларида.....	39
Ғийбат қурбони.....	40
Аҳд.....	41
Ҳофиз сира ўлмади.....	42
Муҳаммад Юсуф.....	43
Қайтар дунё.....	44
Ҳалима.....	45



**Адабий-бадиий нашр**

**Муқим ҚОДИР.**

**“УМРИМ МЕНИНГ”**

**(Шеърлар).**

Муҳаррир:	Пўлат АБДУЛЛА
Мусаввир:	Нўъмонжон АСҚАРОВ
Техник муҳаррир:	М. МИРЗАКАРИМОВА
Мусахҳих:	Мадина УСМОН
Компьютерчи:	Ҳ. ПАРПИЕВ.

Босмахонага 31.10.2005 йилда берилди.  
Босишга 24.XI.2005 йилда рухсат этилди.  
Еичими 84x108 1/32. Ҳажми 3,0 б/т  
Буюртма № 1994. 1050 нусха.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

---

“Andijon nashriyot-matbaa” OAJ  
босмахонасида босилди.